



ОБРАЗОВАНИЕ, НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ

международный научный электронный журнал

*Выпуск журнала № 35
Часть-2_Декабрь -2023*

OPEN  ACCESS





ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ

международный научный электронный журнал

Декабрь - 2023 год

ЧАСТЬ - 2



ICI JOURNALS
MASTER LIST



<http://www.newjournal.org/>



Выпуск журнала № – 35
Часть–2_Декабрь –2023



ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ҲАРАКАТ ФЕЪЛЛАРИНИНГ МАЬНО ТУЗИЛИШИ.

Ахмедова Дилсора Мухсиновна

Бухоро Давлат Университети, ўқитувчи

Аннотация: Ушбу мақолада ҳаракат феълларининг семантик таснифи инглиз ва ўзбек тилларида қиёсий усулда таҳлил қилиниб маъно тузилишига кўра бир қанча гурухларга ажратилганлиги билан танишишингиз мумкин.

Калит сўзлар: лексема, сўз маъноси, семантик майдон, мантиқий бўлаклар, горизонтал, вертикал, айланма, тебранма .

Ўзбек тилидаги фаол ҳаракат семали феъллар объектив асосига кўра табиат ва жамиятдаги, ҳайвонот оламидаги ҳаракатлар - жараёнларни ўз ичига олади. Ҳаракат феъллари моддий асосига (объектига) кўра кенглиги ва мураккаблиги, серқирралиги ва материяга хос турлича ҳаракатларни ифодалавчи, доимийлиги билан бошқа семантик майдонга кирувчи феъл лексемалардан ажралиб туради. Ҳаракатнинг реаллиги, объективлиги, унинг муайян жонли мавжудот томонидан амалга оширилиши, унда «моддийлашиши» билан боғлиқ экан, демак, мантиқий субъектнинг мавжудлиги унинг мутлақ ҳаракати билан ҳам ўлчанади. Аниқроғи ҳаракат материянинг яшаш шакли ҳисобланади.

Объектив борлиқдаги каузалланувчи нарса – предметларга, шахс ҳамда ҳайвонларга хос турлича фаол ҳаракатларни ифодаловчи феъллар нутқда жуда кўп ишлатилиши ва мураккаб семантик тузилиши билан фарқланиб туради. Ҳаракат феъллари семесининг муштарак семаси «фаол ҳаракат» бўлиб, у феълларни бир макросистемага (семантик майдонга) бирлаштириб туради. Яъни муштарак сема характеристидаги «фаол ҳаракат» семаси асосида феълларнинг семантик майдони юзага келади.

Бирлаштирувчи сема ҳам даставвал муштарак сема таркибида бўлиб, таҳлил натижасида ажратилади. Бири иккинчисига нисбатан қиёсан олинганда, ҳаракат феъллари маъноси муштарак семасининг умунийлиги кенг бўлиб, ўзбек тили доирасида ҳаракат феълларига хос муҳим сема саналади. Бирлаштирувчи сема эса муштарак семага ўхшаш, аммо у доимо муштарак семадан сўнг юзага келадиган, аниқланадиган, муштарак сема ифодасининг доирасини торайтириб берадиган семадир. Демак, бирлаштирувчи сема асосида ҳаракат феълларининг у ёки бу ЛСГ ҳосил бўлади.

Ҳаракат феъллари. Бу ЛСГларда “динамик (фаол) ҳаракат” муштарак сема, “горизонтал”, “вертикал”, “айланма”, “тебранма”, “предметнинг тик ҳолатдан бошқа (ётиқ) ҳолатга ўтишини билдирувчи”, “нафас ва товуш



(овоз) чиқариш ҳаракатини ифодаловчи”, “натижали ижро”, “натижаси мавхум ижро”, “оғиз бўшлиғидаги ҳаракатлар” каби маъно бўлаклари эса бирлаштирувчи сема ҳисобланади. Ўзбек тилидаги ҳаракат феълларида намоён бўлувчи мантиқий субъект ҳаракати юқоридаги кўринишларда содир бўлади. Инглиз тили ва ўзбек тилининг изоҳли луғатлари ва оғзаки нуқтда қўлланувчи ҳаракат феъллари бўйича кузатишларимиздан келиб чиқиб, ҳаракат феълларини маъно тузилишига кўра қуидагича бўлдик, гуруҳларга ажратдик.

Бу лексик семантик гуруҳларда “горизонтал”, “вертикал”, “айланма”, “тебранма”, “нафас ва товуш” чиқариш ҳаракатини ифодаловчи, “натижали ижро” натижаси мавхум ижро”, “оғиз бўшлиғидаги ҳаракатлар” каби маъно бўлаклари бирлаштирувчи сема ҳисобланади. Демак, объектив борликдаги турлича ҳаракатларни акс эттирувчи феъллар семантикасининг мураккаб характеристики мантиқий равишда ҳаракат феълларининг қайд этилган 8 кўринишдан иборат семантик гуруҳланишига олиб келади.

Мазкур феъллар объектга бевосита йўналтирилган ёки объектга ўтиши мумкин бўлмаган ҳаракатларни ифодалайди. Баъзи феълларда объект эмас, ўрин муносабати ифодаланади: to roam the streets; to walk round the garden (ўзбек тилида кўчани айланмоқ, боғни кезмок) - бу ҳодиса, асосан семантик фактор билан изоҳланади. Демак, ҳар иккала тилдаги айрим ҳаракат феъллари семантик таснифнинг дастлабки босқичида умумий парадигматик белги сифатида объектсизлигига кўра “умумий сема”га бирлашади. Бу феъллар тилишуносликда ўтимсиз феъллар (untransitive verbs) деб ҳам номланади. Ишимизда айнан объектсиз атамасидан фойдаланишни лозим топдик.

Инглиз ва ўзбек тилидаги ҳаракат феъллари – **горизонтал ҳаракатни** ифодаловчи феъллар ўзига хос маъно хусусиятларга эга. Мазкур феъллар горизонтал йўналишда амалга оширилган турлича ҳаракатларни ифодалайди. Йўналишни ифодалаш, кўрсатиш ҳаракат феълларининг энг муҳим, асосий семантик хусусияти ҳисобланади. Шунга кўра айни бирлаштирувчи семали феълларнинг барчасида “йўналишни ифодалаш” маъноси бор. Ушбу гуруҳга киравчи феъллар объектсиз ҳисобланади. Чунки уларда ифодаланган ҳаракат объектга ўтмайди. Бу гуруҳга киравчи феълларнинг ҳаракат йўналишини ифодалашига кўра 3 га бўлиш мумкин:

1. Definite directional motion verbs (Аниқ йўналишли ҳаракат феъллари).
2. Secret directional motion verbs (Мавхум йўналишли ҳаракат феъллари).
3. Changing directional motion verbs (Йўналишни ўзгартириш ҳаракат феъллари).

Аниқ йўналишли ҳаракат гурухидаги феълларни ҳаракатланишига қараб яна ички 3 гурухга бўлдик:

- a) moving to the before - Олдинга ҳаракатланиш;

- б) moving to the back- Орқага ҳаракатланиш;
- с) moving to the some object- Объектга нисбатан ҳаракатланиш.

Олдинга ҳаракатланишни ифодаловчи феъллар (Moving to the before): to step, to go, to rush, to leap, to aspire to to intensify, to quicken, to ramble, to fidget, to run, to quickly, to swim, to creep, to crawl.

Бундай феъллар инсон ёки бирор жонзотнинг айни йўналишдаги ҳаракатини ифодалайди. Юқорида изоҳи берилган феъллар ичидан to step, to leap, to rush to run quickly каби феълларнинг ўзбек тилидаги таржималари китобий услугуга хос бўлиб, улар бадиий бўёқдорлик мавжудлиги билан ажralиб туради.

To go, to quicken, to fidget, to run, to swim, to creep, to crawl феълларнинг ўзбек тилидаги таржималари эса аксинча, оғзаки сўзлашув нутқида ишлатилади. Инглиз тилида эса to run, to go, to step, to rush, to swim феъллари оғзаки нутқда кўп қўлланилувчи феъллардир.

Инглиз ва ўзбек тилларида to swim, to creep, to crawl феъллари ҳайвон ва ҳашаротларга хос ҳаракатларни ҳам ифодалайди.

Феълда йўналиш маъноси, қайд этилган феъллардагидек, аниқ сезилмайди. У нисбий ҳарактерда. Ҳавода ҳаракатланаётган объектнинг йўналиши мавхумроқ бўлади (айниқса, қушларнинг қай томонга учиши). Шунга қарамай ҳаракат муайян бир йўналишда амалга ошади. Шу хусусиятига қуйидаги феъллар ҳам “йўналма ҳаракат” бирлаштирувчи семали феъллар гурӯхига киритилди.

Орқага ҳаракатланишни ифодаловчи феъллар(Moving to the back): to go back to, to step back

Бундай ифодали феълларда каузатив маъно кучли бўлади. Яъни орқа томонга қилинган ҳаракат кимнингдир, ниманингдир таъсирида юз беради.

Демак, орқага ҳаракатланиш маъноли феъллар жиҳатидан инглиз тили ўзбек тилига қараганда бойроқ. Чунки кўриб ўтганимиздек, to go back to, to return, to come back to get back, to turn back феълларининг таржимаси ўзбек тилида биргина “қайтмоқ” феъли билан берилади.

Тузилиши жиҳатдан эса инглиз тилидаги феъллар қўшма феъллар, улардан фақат to return феълигина ясама феъл. Ўзбек тилида эса аффиксация йўли билан ясалган феълдир.

Объектга нисбатан ҳаракатланиш (Moving to the object): to enter, to spring, to go out, to follow, to pursue, to run away, to come up, to approach, to come, to return, to reach, to start, to slip, to move off, to go, to leave, to pass, to ply, to cross.

Инглиз ва ўзбек тилларида to spring to enter ва to go out феъллари адабий тилда ҳам, сўзлашув тилида ҳам фаол қўлланиллади.

To cross, to pass феъллари фарқловчи семага эга, ҳаракатланаётган шахс, транспорт воситаси, жонзотларнинг ўз йўналишида учраган тўсиқлардан ўтиш ҳаракатини билдиради. Ясалиши жиҳатдан иккала тилда ҳам соддадир.

Ҳаракат феълларининг инглиз ва ўзбек тилшуносликларидағи тадқиқи ҳаракат семали феълларнинг миқдори ва чегарасини аниқлаш, яъни ушбу феълларнинг семантик майдонини белгилаш; феъл – лексемаларнинг семантик таснифини амалга ошириш: уларнинг муштарак (умумий), бирлаштирувчи, фарқловчи семаларини аниқлаш орқали ўрганилди

Муайян семантик майдонларни ҳар томонлама тадқиқ қилиш шу йўлдаги изланишлардан биридир. Зеро, сўзларнинг муайян семантик майдонларини таҳлил қилиш ўз фалсафий қимматига эга. Чунки ҳалқ ўз тарихи, урф-одати, ҳаётий тажрибаси асосида дунёқарашини қайта қуриб, шакллантириб боради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Akhmedova Dilsora Mukhsinovna, Umrzoqova Ozoda. (2023). ENGLISH AS A GLOBAL LANGUAGE. INTERNATIONAL BULLETIN OF APPLIED SCIENCE AND TECHNOLOGY, 3(5), 1310–1313. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7997970>
2. Akhmedova Dilsora Mukhsinovna. Concerning action semantic verbs. INTERNATIONAL CONFERENCE ON DEVELOPMENTS IN EDUCATION SCIENCES AND HUMANITIES .May 29,29-32 p.
3. Akhmedova Dilsora Mukhsinovna Development of structural system in world linguistics. International Journal of Education, Social Science & Humanities. Volume-11| Issue-10| 2023.528-533 p.
4. Akhmedova Dilsora Mukhsinovna, Umrzoqova Ozoda. English as a global language. International Bulletin of Applied Science and Technology Volume III, Issue V.May,2023.1310-1314 p.
5. Akhmedova Dilsora Mukhsinovna.Дунё тилшунослигига компонент таҳлил усулининг тараққиёти.Scholar. VOLUME 1, ISSUE 15 JUNE 2023,319-323 p.
6. Абдурахмонов И. Полисемия и антонимия прилагательных протяженности в современном узбекском литературном языке. Автореф. дис... канд. филол. наук.- Ташкент , 1967.
7. Ахманова О.С. и др. Основы компонентного анализа. - М., МГУ, 1969. -С.45-64.